

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЛУҚМОНОВ АКМАЛ СУБҲОНОВИЧ

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР НАМОЁН
ЭТИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим
наукам**

**Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) on psychological
sciences**

Луқмонов Акмал Субҳонович

Ҳомиладорлик даврида эмоционал ҳолатлар намоён этилишининг ижтимоий-
психологик хусусиятлари.....3

Луқмонов Акмал Субҳонович

Социально-психологические особенности проявления эмоциональных
состояний в период беременности.....25

Lukmonov Akmal Subhonovich

Social psychological characteristics of the maturation of emotional states in women
during pregnancy47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЛУҚМОНОВ АКМАЛ СУБҲОНОВИЧ

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР НАМОЁН
ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Psi18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Шариф Рамазанович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Нарметова Юлдуз Каримовна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тиббиётида аёлларнинг ҳомиладорлик даврида кечадиган рухий-эмоционал ўзгаришларининг туғруқ жараёнига таъсири юқори эканлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Статистик маълумотларга кўра, бутун дунёда ҳар йили 140 миллион чақалоқ туғилади¹, аёлнинг ҳомиладорлик даврида кечган турли рухий-асаб бузилишлари бола руҳиятида акс этади, бу эса ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнининг мураккаблашишини намоён этади. Сўнгги йилларда шифокорлар ҳомиладорлик билан боғлиқ хавф-хатарларни олдини олиш учун нафақат тиббий, балки рухий, психологик ҳолатга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини эътироф этишмоқда. Бу борада «March of Dimes» жамғармаси маълумотларига кўра, аёлларнинг ҳомиладорлик давридаги 25-35% дан юқори ўзгаришлари уларнинг психологик ҳолатига таъсир этиши сабаб бўлиши қайд этилиши² ҳомиладор аёлларга тиббий аралашувлар сонини камайтириш, уларнинг психологик кўрқув, ҳавотир, ҳаяжоннинг кучайиши билан боғлиқ психологик ҳолатларини шахс психологиясида чуқур ўзгаришларни намоён этишини долзарб муаммо сифатида илмий тадқиқ этишни долзарблаштиради.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг енгил кечиши даражасини ошириш, янги туғиладиган болаларни соғлом туғилишига эътибор бериш, ҳомиладор аёлнинг психологик хусусиятларини таъсирини аниқлаш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу борада туғруққача ҳомиладор аёлларнинг психологиясидаги турли ўзгаришларни эрта аниқлаш, кейинчалик унинг оналик кайфиятига ва ҳолатига таъсирини диагностика қилиш, туғруқ жараёнига таъсирини камайтириш, парваришнинг янги моделини такомиллаштиришга оид изланишларга алоҳида эътибор қаратиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Республикамизда сўнгги йилларда ҳомиладорлик даврида кечадиган рухий ва эмоционал ўзгаришларни асослашда замонавий психологик технологиялардан фойдаланиш, уларнинг афзалликларини исботлаш, аёлларда туғруқ билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда оптимал ёндашувни клиник-психологик асослаш орқали касаллик асоратларини камайтиришнинг зарур норматив асослари яратилди. «Ер юзида муқаддас ... зот бу – аввало, Онадир...уларнинг соғлом зурриёт, баркамол авлод тарбиялаб вояга етказишдаги ўрни ва хизматини ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди»³. Бу ўз навбатида мазкур муаммони юзага келиши мумкин бўлган акушерлик асоратларини эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш сифатини ошириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни янгича назарий ва амалий ечимларни топиш имкониятларини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ <https://apps.who.int/mediacentre/news/releases/2018/positive-childbirth-experience/ru/index.html>

² <https://www.marchforbabies.org/>

³ Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 341-342-бетлар.

стратегияси тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 25 декабрдаги ПФ-3440-сонли «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида» Фармонлар, 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-5325-сонли «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладор аёлларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларига бағишланган фикрлар зардуштийликнинг қадимги манбаи «Авесто», ўтмиш мутафаккирларидан Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», «Минерология», Абу Али Ибн Синонинг «Тадбири манзил», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида илгари сурилган. Таҳлил кўрсатадики, қадимдан бошлаб, соғлом она ва соғлом бола муаммоси жамият тараққиёти учун муҳим омиллардан бири эканлиги таъкидланган.

Ўзбек олимларидан Д.Н. Абдуллаев, А.К. Бердиев, М.С. Жўраева, Н.И. Зокирова, З.Р. Ибодуллаев, С.И. Индиаминов, Н.Р. Насимова, Б.Б. Негмаджонов, М.И. Расулова, У.М. Раҳмонов, К.Т. Ядгаровалар томонидан ҳомиладор аёлларнинг у ёки бу хусусиятлари бўйича муайян тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари томонидан ҳомиладор аёлларни туғруқ жараёнига тайёрлашнинг замонавий методлари В.В. Абрамченко, О.В. Алексеева, О.С. Васильева, Г.М. Зиатдинов, Е.В. Могилевская, И.С. Чеботаревалар томонидан ишлаб чиқилган. Ҳомиладорлик ва патология уйғунлигини илмий асослашга қаратилган тадқиқотларни М.Р. Адзиева, А.Е. Архангельский, Л.Б. Воронкова, Н.Л. Мамишева, И.Е.Мишина, М.В. Швецов ҳомиладорлик даврининг психологик муаммолари Л.Л.Баз, Г.И. Брехман, А.Е. Волков, В.В. Драгунский, В.Т. Скрицкая, Г.Г.Филипповалар томонидан ўрганилган.

Хориж психологлари томонидан ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатларга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар кўлами масалалари L.Brost, S.E.Jakson, R.P.Lenderman, Maria de Leon, A.J.Ward ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги ТДПУнинг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» лойиҳалари доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатларга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатларига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

ҳомиладорлик даври (триместрлари)да шахслараро муносабатларнинг кечиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик жараёнларни таҳлил қилиш;

ҳомиладорларда эмоционал ҳолатлар ва шахслилик хусусиятларига таъсир этувчи ижтимоий-психологик компонентларни белгилаш;

ҳомиладорлик давридаги аёллар эмоционал ҳолатига ижобий таъсир этувчи психокоррекция усуллар самарадорлигини баҳолаш ва зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги жами 19 ёшдан – 39 ёшгача 205 нафар ҳомиладор аёллар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатларига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, контент-таҳлил услуби методлари, шунингдек, М.Николаевнинг «САННТУВ» методикаси, Д.Рассел ва М.Фергюсоннинг «Ёлғизликни субъектив ҳис қилиши» методикаси, И.Т.Балашованинг ҳомиладорлар эмоционал ҳолатларининг негатив ва позитив даражаларини аниқлашга қаратилган махсус анкета сўровномаси «Депрессивлик шкаласи», К.Хек-Х.Хесснинг «Неврознинг экспресс-диагностикаси» методикаси, Г.Айзенкнинг «Ўзининг психологик ҳолатини баҳолаш» сўровномасидан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиги К.Пирсоннинг r-корреляцияси, Стьюдентнинг t-мезони орқали тасдиқланди. Маълумотларни қайта ишлаш SPSS дастури имкониятларидан фойдаланилди. Шунингдек, тиббий ходим томонидан чақалоқ ҳолатини Апгар шкаласи ёрдамида ва туғруқ сифатини экспертли баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

аёлларда ўз-ўзини ҳис қилиш даражасининг ифодаланишида ҳомиладорликда кўзгалувчанлик, ёлғизлик, фрустрациянинг хавотирланиш таъсирида кучайиши туфайли ўз-ўзини ноадекват ҳис қилиш билан боғлиқ депрессив ҳолатларнинг намоён бўлиши мумкинлиги исботланган;

ҳомиладорлик даври(триместрлари)нинг ҳар бирида ноадекват шахслараро муносабатларнинг намоён бўлишида кайфият ва таранглик, депрессиянинг динамик тарзда ифодаланиши фаолликни сусайтирганлиги туфайли аёллардаги ҳиссий

беқарорлик ва агрессивликнинг кучайишига далилланган;

ҳомиладорларда экстраверсия даражасининг юқорилиги натижасида ижтимоий идентификация ва эмпатиянинг адаптация жараёнида устуворлиги туфайли депрессивлик, фрустрациялашувнинг пасайиши мумкинлиги исботланган;

ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатлар ўзгаришининг туғруқ сифатига таъсири даражаларини ифодаланишида боланинг ҳолатини тиббий ходим томонидан Апгар шкаласида ва она томонидан баҳоланиш динамикасидаги ўзгаришлар туфайли дифференциал фарқларнинг мавжудлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорлар эмоционал ҳолатларининг салбий (негатив) ва ижобий (позитив) даражаларини аниқлашга қаратилган махсус анкета-сўровномалар ишлаб чиқилган;

олинган натижалар асосида ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатини ижобий ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар тақдим этилган;

ҳомиладор ва у билан боғлиқ салбий эмоционал ҳолатдаги аёлларга психологик маслаҳат ва психологик реабилитация хизмати қўлланилган;

ҳомиладор аёллар эмоционал ҳолатини яхшилашга доир тренинг дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилганлиги; аниқланган кўрсаткичларнинг ишончли илмий манбаларга асосланганлиги; суҳбат (диалог, полилог шакллари), ҳужжатларни ўрганиш, ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), контент-тахлил, А.Н.Николаевнинг «САННТУВ» методикаси, Д.Рассел ва М.Фергюсоннинг «Ёлғизликни субъектив ҳис қилиш» методикаси, И.Т.Балашованинг ҳомиладорлар эмоционал ҳолатларининг негатив ва позитив даражаларини аниқлашга қаратилган махсус анкета сўровномаси «Депрессивлик шкаласи», К.Хек-Х.Хесснинг «Неврознинг экспресс-диагностикаси» методикаси, Г.Айзенкнинг «Ўзининг психологик ҳолатини баҳолаш» сўровномаси, усулларида фойдаланилганлиги; эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил қилинганлиги, натижалар «Ms Excel», «SPSS 20.0» дастурлари воситасида қайта ишланганлиги; илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, оила психологияси ва махсус психология фанларининг йўналишларида, ҳомиладор аёлларни психологик кузатувини амалга оширувчи клиник психологлар фаолиятида, хотин-қизлар маслаҳатхонасида, туғруқхоналарда аёлларни туғруқ жараёнига тайёрлашда, перинатал марказларидаги мутахассислар фаолиятида, ўрганилган ва тадқиқ этилган муаммога оид илмий тушунча, тасаввурларни кенгайтириши, шунингдек, ҳомиладор аёлларга психологик хизмат кўрсатиш жараёнида қўлланилаётган медиация, супервизия, ижтимоий реабилитация каби психологик усулларнинг моҳияти ва тушунчаси очиб берилганлиги, соғлом она ва соғлом бола муаммоларини ҳал этишга

доир илмий хулосалардан ижтимоий психология ва тиббиёт психологияси йўналишларидаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган тажрибавий, эмпирик маълумотлардан ҳомиладор аёллар реабилитация марказларининг фаолият самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги, олинган натижалар ва илгари сурилган ғоялар оилавий психологик хизмат тўғрисидаги муайян концептуал назариянинг шаклланишига хизмат қилиши, назарий умумлашма ва таҳлиллардан ҳомиладорлик давридаги эмоционал ҳолатларни тадқиқ қилувчи методикалардан фойдаланишда, ҳомиладор аёллар билан олиб бориладиган психологик ва профилактик ишлар йўналишини аниқлаштиришда, шунингдек, «Оила психологияси», «Ижтимоий психология», «Психологик хизмат», «Тиббиёт психологияси» фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда, психологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладорлик даврида эмоционал ҳолатлар намоён этилишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёлларда ўз-ўзини ҳис қилиш даражасининг ифодаланишида ҳомиладорликда кўзгалувчанлик, ёлғизлик, фрустрациянинг хавотирланиш таъсирида кучайиши туфайли ўз-ўзини ноадекват ҳис қилиш билан боғлиқ депрессив ҳолатларнинг намоён бўлиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли буйруғига асосан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги № 89-03-371-сон маълумотномалари). Натижада тиббиёт ходимлари психологик тайёргарлиги самарадорлигига эришилган;

ҳомиладорлик даври (триместрлари)нинг ҳар бирида ноадекват шахслараро муносабатларнинг намоён бўлишида кайфият ва таранглик, депрессиянинг динамик тарзда ифодаланиши фаолликни сусайтирганлиги туфайли аёллардаги ҳиссий беқарорлик ва агрессивликнинг кучайишига далилланган тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли буйруғига асосан «Касб психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22-январдаги № 89-03-371-сон маълумотномалари). Натижада ҳомиладор аёлларни саломатлиги билан боғлиқ психологик реабилитация жараёнларини сифатли бўлишига хизмат қилган;

ҳомиладорларда экстраверсия даражасининг юқорилиги натижасида ижтимоий идентификация ва эмпатиянинг адаптация жараёнида устуворлиги туфайли депрессивлик, фрустрациялашувнинг пасайиши мумкинлиги исботланган тақлиф ва

тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22-январдаги № 89-03-371-сон маълумотномалари). Натижада тиббиёт ходимлари касбий компетентлигини ривожланишига эришилган;

ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатлар ўзгаришининг туғруқ сифатига таъсири даражаларини ифодаланишида боланинг ҳолатини тиббий ходим томонидан Апгар шкаласида ва она томонидан баҳоланиш динамикасидаги ўзгаришлар туфайли дифференциал фарқларнинг мавжудлигини далилловчи илмий хулосалар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-73-а сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22-январдаги № 89-03-371-сон маълумотномалари). Натижада ҳомиладор аёллар билан ишлашнинг методологик базаси кучайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловаларидан ташқари 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар мухтасар баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатларни ўрганиш – ижтимоий-психологик муаммо сифатида**» деб номланиб, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Республикамиз миқёсида тиббиёт ходимлари томонидан соматик, психосоматик, патологик, шахсий интим масалалар, ички оилавий номуносибликлар, ҳаётий вазиятлардаги низолар, шахслараро (қайнона ва келин, кўшничилик) муносабатларнинг номувофиқлигининг ҳомиладорлик даври кечишининг у ёки бу босқичларида рўй бериши аёлни туғруққа тайёрлаш ва туғруқни амалга ошишига жиддий таъсир кўрсатиши қайд этилган. Кейинги вақтларда аёлларни оналикка тайёрлаш билан боғлиқ психологик муаммолар янада кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда (Коваленко Н.П., Герасимова Т.Г., А.Е. Волков, А.К. Бердиев, К.Т. Ядгарова, Д.Н. Абдуллаев ва бошқ.).

Дастлабки назарий-илмий таҳлилларимизга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолат етарлича ўрганилмаган бўлиб, ушбу муаммо бугунги замонавий тиббий-психология учун озчиликни ташкил қилади. Буларнинг барчаси ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатини улар динамикасида ўрганиш ўзига хос долзарблик касб этмоқда.

Диссертациянинг «**Ҳомиладор аёллардаги эмоционал ҳолатларни тадқиқ қилиш услуги**» номли иккинчи бобида аёлнинг эмоционал ҳолатига ҳомиладорликнинг психологик таъсири билан боғлиқ эмпирик маълумотлар таҳлили баён этилган. Жумладан, тадқиқотнинг дастлабки босқичида, ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллардаги эмоционал ҳолатлар қиёсий тарзда таҳлил қилинди.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида эса ҳомиладорликнинг турли даврида бўлган жами 205 нафар ҳомиладор аёллар иштирок этишди. Бунда ҳомиладор аёллар эмоционал ҳолатининг миқдорий (намоён бўлганлиги ва вариативлиги бўйича) ва сифат (сони, ишончлилиги ва алоқадорлиги тавсифи) кўрсаткичлари тадқиқ этилди (1-жадвал).

Бундан кўришиб турганидек, ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг ўзини ҳис қилиши кўрсаткичи унинг ифодаланишининг ўртача ва юқори даражалари чегарасида жойлашган. Ҳомиладор аёлларда эса ушбу кўрсаткич ҳомиладор бўлмаганларникидан кўра нисбатан паст кўрсаткичга (Стъудентнинг t-критерийси бўйича фарқланиш 99% ишончлилик даражасига етган) эга бўлган. Стандарт хато кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёлларда юқорироқ бўлиб, бу ўз навбатида ушбу ҳолатнинг вариативлигидан гувоҳлик беради.

Ҳомиладор аёллардаги стандарт хатонинг паст кўрсаткичи, ўзини ҳис қилишнинг пасайиши уларнинг катта қисмига хос эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолат ҳомиладор аёлларда унча ёқимли бўлмаган жисмоний ҳолатлар (токсикоз, ҳолсизликни ҳис қилиш, уйқучанликнинг ошиши) кузатилиши билан изоҳланади. Аёлларда ҳомиладорлик бошланиши билан бирга фаоллик ҳам бир мунча сусайиши кузатилади. Ҳомиладор бўлмаган аёллар эса фаолликнинг етарлича юқори даражаси билан характерланади.

**Ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллардаги эмоционал ҳолатлар
ифодаланишининг қиёсий кўрсаткичлари**

Эмоционал ҳолатлар	Ҳомиладор бўлмаганлар n ₁ -200		Ҳомиладорлар n ₂ -205		Фарқланиш	
	М	S	М	S	t	P
Ўзини ҳис қилиши	15,2	0,40	10,37	0,35	8,472	0,01
Фаоллиги	15,42	0,34	11,09	0,40	7,915	0,05
Кайфияти	13,96	0,34	11,42	0,42	4,467	-
Таранглик	8,7	0,29	15,62	0,40	-13,171	0,01
Хавотирланиш	10,26	0,34	13,02	0,41	-5,313	0,05
Ўзига ишонч	17,92	0,31	12,70	0,40	9,721	-
Кўзгалувчанлик	9,09	0,31	12,48	0,43	-6,189	0,02
Ёлғизлик	28,31	1,05	26,74	1,01	1,046	-
Депрессия	39,57	0,85	52,76	1,32	-8,105	0,01
Невротизм	15,25	0,38	25,46	0,75	-11,505	0,01
Агрессия	10,27	0,31	11,69	0,35	-2,827	0,05
Фрустрация	8,21	0,29	9,30	0,34	-4,425	-

Стандарт хатонинг паст кўрсаткичи билан солиштирганда, бу ҳолат ҳомиладор бўлмаган аёллар ўз фаоллигини етарлича юқори баҳолашларини кўрсатади. Ҳомиладорлик намоён бўлганда эса фаоллик даражаси сусайсада, бироқ бу унчалик кучли бўлмайди ($p < 0,05$). Эҳтимол бу ҳолат «химоя» рефлексининг ифодаланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки, аёл ҳомилага зарар етказмаслик учун ўз фаоллигини чегаралашга интилади. Ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг кайфияти кўрсаткичи унинг ўртача даражасининг юқори чегарасида ўрин эгаллаган. Бундан келиб чиқадики, бу ҳолат етарлича бир текис бўлиб, унда ижобий эмоционал ҳолатнинг устуворлиги кўринади. Ҳомиладорликнинг бошланишида эса кайфиятнинг пасайиши кузатилсада, бироқ у ишончлилиқ даражасига етмайди. Бу ҳолат ҳар икки гуруҳдаги респондентлар томонидан ўз кайфиятини баҳолашларининг тарқоқликдалиги билан изоҳланади. Кайфият пасайишининг сабаби аёллар томонидан ҳомиладорлик ҳолатининг, ҳаёт уларга юклаган масъулият ва у билан боғлиқ чекланишларнинг англаниши билан изоҳланиши мумкин.

Таранглик даражаси ҳомиладор бўлмаган аёлларда ўртача (паст кўрсаткичга яқин) бўлса, ҳомиладор бўлган аёлларда эса аҳамиятли тарзда ўса бошлайди. Бунда фарқланишнинг ишончлилиги энг юқори – 99,9% даражага етади. Стандарт хатонинг кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёлларда жуда паст бўлса, ҳомиладорларда эса аҳамиятли тарзда юқори даражада ифодаланган. Бундан келиб чиқадики уларнинг бир қисми етарлича аҳамиятли тарангликни ҳис қилишади. Шундай бўлсада, тадқиқот натижалари ҳомиладорлик аёллар

учун етарлича катта стресс ҳисобланишини кўрсатади.

Хавотирланиш ҳолати ҳомиладор бўлмаган аёлларда ўртача бўлса, ҳомиладорликнинг бошланиш даврида унинг бир қадар кўтарилиши кузатилиб, бунда фарқланиш ишончли даража (95%)га етади. Стандарт хатолар кўрсаткичи ҳар икки гуруҳда ҳам тахминан бир хил бўлиб, ушбу тенденция уларда етарлича аниқ ифодаланганидан далолат беради. Хавотирланиш даражасининг кўтарилишини шу билан изоҳлаш мумкинки, ҳомиладорликни нормал ҳолат ҳисобламасдан, аёлларда турли кўркув ва хавотирланиш (айниқса ўзининг ва боланинг саломатлиги юзасидан) намоён бўлади.

Ўзига ишонч ҳолати, ҳомиладор бўлмаган аёлларда етарлича юқори бўлган ҳолда (бунда унинг вариативлиги ҳам юқори), ҳомиладорларда бир қадар пасаяди. Бирок, стандарт хато кўрсаткичининг юқорилиги ҳисобидан ҳар икки танловдаги фарқланиш ишончлилик даражасига етмайди. Бундан келиб чиқадики, аёллар ўзига ишонч ҳолатини турли даражада бошларидан кечиришиб, бу эҳтимол кўп жиҳатдан бошдан кечирилган ҳодисалардан кўра, уларнинг шахс хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Кўзғалувчанлик даражаси ҳомиладор бўлган аёлларда ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан аҳамиятли тарзда юқори бўлиб, уларнинг фарқланиши ишончлиликнинг 99% даражасини ташкил этади. Бу хавотирланиш ва тарангликни, асаб тизими умумий фаоллигининг ўсиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Стандарт хато кўрсаткичлари ҳар икки гуруҳда ҳам унчалик юқори бўлмасдан, бу мазкур ҳолат намоён бўлишининг аниқлигидан далолат беради.

Ёлғизлик ҳолати даражасининг ифодаланиши ҳомиладор бўлмаган аёлларда ўртача даражада бўлиб, ҳомиладор бўлган аёлларда нисбатан паст ифодаланган. Кўрсаткичлардаги фарқланиш ишончли даражага етмаган бўлиб, бу ушбу ҳолат намоён бўлишининг вариативлиги ҳар икки гуруҳда ҳам бир хилда юқори эканлиги билан изоҳланади. Бундан келиб чиқадики, кўпгина аёллар ёлғизликни ёки юқори, ёки паст даражада бошдан кечиришади ва эҳтимол бу кўпинча уларнинг шахс хусусиятлари билан белгиланади. Ёлғизлик даражасининг ҳомиладорлик бошланиши даврида бир қадар пасайишини аёл томонидан янги ҳаёт туғилаётганлигини англай бошлаши ва атрофдагиларнинг ўзига нисбатан катта эътиборини ҳис қилаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Аёлларда ҳомиладорлик ҳолати юзага келиши билан депрессия даражаси (салбий ҳолатлар)нинг ўсиши кузатилади. Ҳомиладор бўлмаган аёллар ва ҳомиладорлардаги ушбу кўрсаткичдаги фарқланишнинг ишончлилик даражаси 99%ни ташкил этади.

Ҳомиладор аёлларда невротизм даражаси ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан жиддий ўсганлиги кузатилиб, танлов гуруҳлар ўртасида ушбу кўрсаткичнинг ифодаланишидаги фарқланиш даражаси 99%ни ташкил этди. Ҳомиладор бўлмаган аёлларда нейротизм ҳолатининг ифодаланганлиги паст даражада бўлган ҳолда, ҳомиладорларда эса у ўртача даражагача етган.

Ҳомиладор бўлмаганлар билан қиёслаганда, ҳомиладор бўлган аёлларда

агрессивлик даражаси бир қадар ўсган бўлиб, фарқланиш ишончлилиги 95% даражани ташкил этади. Бунда улар ўзларининг агрессив реакцияларини намоён қилишда кўпроқ аччиғланувчан, қизиққон бўлиб қолишади. Бу ҳолат ҳимоя реакцияларининг ўсиши билан (аёл ўзини ва боласини ҳимоялашга интилади) боғлиқ бўлиши мумкин.

Фрустрация ҳолати даражаси ҳомиладор бўлмаган аёлларда етарлича паст бўлган ҳолда, ҳомиладор бўлган аёлларда унинг ўсиши кузатилмайди. Бундан келиб чиқиб, ҳаётдан қониқмаслик ҳисси ҳомиладорлик ҳолатига боғлиқ эмас деб таъкидлаш мумкин.

Умуман, ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллардаги психик ҳолатнинг ифодаланиши бўйича етарлича кўп ишончли – эҳтимолли, яъни 12 тадан 8 тасида фарқланишга эришилган. Шунингдек бу фарқланишлар аҳамиятли бўлиб, уларнинг 3 таси ишончлиликнинг 99% даражасига эгадир. Демак, ҳомиладорлик ҳолати аёлнинг эмоционал соҳасига кучли таъсир этиши ҳақида хулоса билдириш мумкин. Асл моҳиятини олганда, ҳомиладорлик – бу стрессли ҳолатдир. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлиги аёл эмоционал соҳасида салбий тенденцияларнинг ўсиши билан характерланади.

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида бўлган аёлларнинг эмоционал ҳолатининг ўзига хос «маркази» таранглик ҳолати ҳисобланади. Бу кўрсаткич эмоционал кўзгалувчанлик, ўзини ҳис қилиш, агрессивлик ва невротизм даражаси билан ўзаро боғлиқликда эканлиги аниқланган. Бунда ўзини ҳис қилиш ҳолати кайфият билан алоқадор бўлса, невротизм даражаси қанчалик юқори бўлса, ҳомиладорларнинг хавотирланиш даражаси шунчалик юқори кўрсаткичларни ифодалаган. Шундай қилиб, ҳомиладорларнинг эмоционал ҳолати хусусиятлари унинг тузилмасининг ўзига хослигида, олинган боғлиқликлар характерида намоён бўлади.

Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи уч ойликларидаги ($n_2=94$ нафари олинган) ҳомиладор аёллар эмоционал ҳолатларининг динамикаси хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган. Ҳомиладорликнинг иккинчи уч ойлигида ҳомиладорларнинг ўзини ҳис қилиши даражаси жиддий яхшиланади. Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи уч ойлигида бўлган аёлларда ўзининг жисмоний саломатлигини ҳис қилиш ҳолати кўрсаткичидаги фарқланишлар ишончлилиги мавжуд ($p<0,01$ ташкил этади). Ўзини ҳис қилиш юқори даражага кўтарилиб, бу ҳолат биринчи уч ойликда пайдо бўладиган нохуш ҳислар (масалан, токсикоз)нинг барҳам топиши билан изоҳланса, бошқа томондан бу пайтда ҳали учинчи уч ойликнинг вазнининг ошиши кўринишидаги қийинчилигининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бироқ, стандарт хато кўрсаткичи биринчи уч ойликдаги ҳомиладорларнинг ўзини ҳис қилиши стандарт хатоси билан қиёслаганда бир қадар юқори эканлиги аниқланди. Бундан келиб чиқадики, агар биринчи уч ойликда кўпчилик ўзининг ҳис қилиши ҳолатини паст баҳолашса, иккинчи уч ойликда бу ҳолат ҳомиладорларнинг бир қисмида аҳамиятли даражада, бошқасида эса унчалик аҳамиятли бўлмаган даражада яхшиланади.

Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи уч ойлигидаги эмоционал ҳолатлар ифодаланишининг қиёсий кўрсаткичлари

Эмоционал ҳолатлар	1- триместр		2-триместр		Фарқланиш	
	М	S	М	S	t	P
Ўзини ҳис қилиши	10,17	0,50	14,71	0,47	-3,574	0,01
Фаоллиги	11,01	0,51	14,13	0,46	-2,870	0,05
Кайфияти	11,54	0,50	17,51	0,45	-2,495	0,02
Таранглик	17,92	0,58	16,62	0,55	,654	-
Хавотирланиш	13,76	0,52	11,82	0,49	,209	0,05
Ўзига ишонч	13,63	0,52	15,03	0,48	-2,173	-
Кўзгалувчанлик	13,31	0,54	9,67	0,51	,685	0,05
Ёлғизлик	25,27	1,14	19,32	1,14	-,936	-
Депрессия	62,45	1,42	45,48	1,36	-,446	0,01
Невротизм	31,44	1,06	19,65	0,99	,770	0,02
Агрессия	14,85	0,49	13,87	0,46	-,312	-
Фрустрация	10,13	0,45	9,32	0,42	-,727	-

Шунингдек, ҳомиладорликнинг иккинчи уч ойлигида ҳомиладорларнинг фаоллиги даражаси бир қадар ошади ($p < 0,05$). Улар етарлича фаол ҳаёт тарзини кечиришиб, «ўзлари» учун қолган вақтни «иложи борича самарали» ишлатишга ҳаракат қилишади.

Иккинчи триместрда ҳомиладорлар эмоционал ҳолатининг «ўзаги»ни ўзини ҳис қилиш мезони ташкил этади. Ҳомиладорларнинг биринчи уч ойликдаги эмоционал соҳасининг «маркази»ни эса таранглик ҳолати ташкил этган (2-жадвал). Ўзини ҳис қилиш ҳолати қанча яхши бўлса, фаоллик шунчалик юқори, кайфият яхшиланган ва хавотирланиш пасайган бўлади. Хавотирланиш даражаси тарангликнинг ўсишига имкон яратиб, бу невротизм даражаси билан боғлиқ. Иккинчи уч ойликда боғлиқликлар характерининг мутлақо ўзгариши кузатилади.

Ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорликнинг учинчи уч ойлигидаги эмоционал ҳолатлари хусусиятлари 3-жадвалда келтирилган. Учинчи уч ойликдаги турли эмоционал ҳолатларнинг ифодаланганлиги, иккинчи уч ойликдаги натижаларга нисбатан мавжуд 12 та ҳолатлардан 8 тасида аҳамиятли (ишончли фарқланишлар аниқланган) ўзгаришлар кузатилиб, улардан 3 тасидаги фарқланишлар ишончлиликнинг 99% даражасига етган. Аммо эмоционал ҳолатларнинг ўзгариши бу ўринда кўпроқ салбий характерга эга бўлган. Ҳомиладорликнинг учинчи уч ойлигида ўзини ҳис қилиш даражаси аҳамиятли равишда пасаяди (фарқланишларнинг ишончлилиги энг юқори – 99% даражани ташкил этади).

Шу ўрнида стандарт хато кўрсаткичи пасайиб, ўзини ҳис қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳомиладорларнинг кўпчилигида кузатилади. Бу ҳолатни

мазкур даврда вазнинг ошиши, организмнинг бутун тизимида оғирлик, зўриқишнинг кучайиши билан изоҳланиши мумкин. Фаоллик даражаси ҳам аҳамиятли пасайиб, иккинчи уч ойликдаги юқориликдан учинчи уч ойликда ўртачага пасаяди.

3-жадвал

Ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи уч ойлигидаги эмоционал ҳолатлар ифодаланишининг қиёсий кўрсаткичлари

Эмоционал ҳолатлар	2-триместр		3-триместр		Фарқланиши	
	М	S	М	S	t	P
Ўзини ҳис қилиши	14,71	0,47	9,32	0,57	,081	0,01
Фаоллиги	14,13	0,46	11,23	0,53	2,551	0,01
Кайфияти	17,51	0,45	15,32	0,56	2,651	0,05
Таранглик	16,62	0,55	19,21	0,59	1,607	0,05
Ҳавотирланиш	11,82	0,49	15,32	0,56	,992	0,01
Ўзига ишонч	15,03	0,48	13,76	0,57	3,117	-
Қўзғалувчанлик	9,67	0,51	14,12	0,55	1,239	0,02
Ёлғизлик	19,32	1,14	20,11	1,18	-,984	-
Депрессия	45,48	1,36	46,35	1,34	-,391	-
Невротизм	19,65	0,99	25,6	1,01	-2,206	0,05
Агрессия	13,87	0,46	16,34	0,48	,000	0,05
Фрустрация	9,32	0,42	10,21	0,45	-,031	-


Демак, кўрсатилган барча ижтимоий-психологик омиллар (ўзини ҳис қилиши, фаоллиги, кайфияти, таранглик, ўзига ишонч, қўзғалувчанлик, ёлғизлик, депрессия, невротизм, агрессия, фрустрация) динамикаси билан боғлиқ кўрсаткичлар миқдори ҳомиладорликнинг учинчи триместри давомида намоён бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотлар олиш имконини беради. Бу эса ҳомиладорларнинг ўз яқинлари билан шахслараро мулоқотга киришишига боғлиқ ҳолатлар ҳақида янада яққолроқ тасаввур қилиш имконини беради. Шу тасаввурлар орқали ҳомиладорларга психологик хизмат кўрсатиш усуллари танланади. Бу усуллар эса ижтимоий-психологик мезонлар ва тамойилларга амал қилган ҳолда қўлланилади.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи уч ойлигидаги эмоционал ҳолатларнинг ифодаланишини таҳлил қилиш орқали респондентларга баҳо бериш мумкин.

Ушбу ҳолатнинг иккинчи ва учинчи уч ойликларда ифодаланганлигидаги фарқланишнинг ишончилиги 99%ни ташкил этади. Фаолликнинг пасайишини ҳам ҳомиладорлар зиммасига тушадиган жиддий жисмоний зўриқишлар билан изоҳлаш мумкин. Ҳомиладорларнинг кайфияти ҳам учинчи уч ойликда бир қадар пасаяди ($p < 0,05$). Аммо бу кўрсаткич аввалгидек ижобий аҳамиятини сақлаб қолади. Эҳтимол бу боланинг туғилишини кутиш ҳолати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг турли даврларида аёлларнинг эмоционал ҳолатлари динамикасини қиёсий таҳлилни амалга ошириш учун маълумотларни

графикли тасвирлаш методи қўлланилди (1-расм).



1-расм. Ҳомиладорлик даврида аёллар эмоционал ҳолатлари динамикаси (фоиз ҳисобида)

Олинган эмпирик маълумотларга таяниб, ҳомиладорлик давомида аёллар эмоционал ҳолатларининг ўзгаришлари билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларга алоҳида эътибор қаратилди ва тадқиқотнинг кейинги босқичида ҳомиладор аёллар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишлар кўлами баён этилди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладор аёллар эмоционал ҳолати психокоррекциясининг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатларида психокоррекцион муолажаларнинг ўрни ва таъсири келтирилган.

Психологик коррекциянинг аёллар эмоционал ҳолатидаги ролини аниқлаш учун уларнинг миқдорий ва сифат тавсифини қиёсий таҳлил қилиш учун ҳомиладорлар қуйидаги икки гуруҳга ажратилди:

- тажриба (ҳомиладорликнинг бутун даври давомида психокоррекция тадбирларида қатнашган аёллар - $n_1=92$) гуруҳи;
- назорат (ҳомиладорликнинг бутун даври давомида психокоррекция тадбирларида қатнашмаган аёллар – $n_2=94$) гуруҳи.

Экспериментнинг бошланишида ҳомиладор аёлларнинг биринчи триместр ўрталаридаги эмоционал ҳолатининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Бунда эмоционал ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ифодаланганлиги бўйича ишончли фарқланишлар аниқланмади. Демак, тадқиқотнинг дастлабки босқичида ушбу танлов гуруҳларидаги эмоционал кўрсаткичлар деярли тенг даражада намоён этилган.

Ҳомиладорликнинг биринчи триместри охирида психокоррекция тадбирларида иштирок этган ва иштирок этмаган ҳомиладорларнинг эмоционал ҳолатини ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Биринчи триместр охирида ҳомиладорлар эмоционал ҳолатига психокоррекциянинг таъсири

№	Эмоционал ҳолатлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Фарқланишлар	
		n ₁ =92		n ₂ =94		t	P
		M	S	M	S		
1	Ўзини ҳис қилиши	14,86	1,1	10,17	1,0	2,35	0,02
2	Фаоллиги	14,97	1,3	11,01	1,2	2,14	0,05
3	Кайфияти	18,85	2,0	11,54	2,8	2,12	0,05
4	Таранглик	12,28	2,2	17,92	2,7	1,87	0,05
5	Хавотирланиш	11,96	1,1	13,76	1,0	1,41	-
6	Ўзига ишонч	17,08	2,8	13,63	4,1	0,48	-
7	Кўзгалувчанлик	9,95	1,1	13,31	1,3	1,75	-
8	Ёлғизлик	13,62	3,5	25,27	6,9	1,91	0,05
9	Депрессия	46,51	4,1	62,45	5,9	2,11	0,05
10	Невротизм	21,80	2,4	31,44	4,6	2,01	0,01
11	Агрессия	12,93	1,0	14,85	1,1	0,22	-
12	Фрустрация	7,95	0,8	9,13	1,0	1,3	-

Психокоррекция тадбирларида иштирок этган ҳомиладор аёлларда биринчи триместрнинг охирида ўзини ҳис қилиши ҳолати аҳамиятли тарзда (ишончлилиқ даражаси 98%) яхшиланди. Ушбу кўрсаткичнинг стандарт хато кўрсаткичи унчалик катта эмас. Бундан келиб чиқадики, ўзини ҳис қилишнинг яхшиланишини кўпчилиқ ҳомиладорлар қайд этишди. Ушбу кўрсаткич ифодаланишининг ижобий ўзгариши юқори ўринга эга бўлиб, чунки айнан биринчи триместрда ҳомиладор аёлларда унинг аҳамиятли ($p < 0,02$) пасайиши юз беради.

Мазкур кўрсаткичнинг тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқланишининг ишончлилиги мавжуд ($p < 0,05$). Демак, 4-жадвалда қайд этилганидек, олиб борилган психокоррекция тадбирлари ҳомиладор аёллар организми умумий тонусининг кўтарилишига имкон беради.

Психокоррекция тадбирлари жараёнида ҳомиладор аёлларда кайфиятнинг яхшиланиши кузатилди.

Тажриба гуруҳига кирувчи ҳомиладорларда таранглик даражасининг пасайиши ($p < 0,05$), яъни «юмшаш эффекти» юз берди.

Психокоррекция тадбирлари жараёнида ҳомиладор аёлларда ёлғизлик даражаси аҳамиятли тарзда пасайди. Назорат гуруҳига нисбатан бу кўрсаткичнинг фарқланиши ишончлилиги таъминланди ($p < 0,05$).

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида бўлган ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатлари ўзига хослигини ўрганиш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Иккинчи триместр охирида ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатига психокоррекциянинг таъсири

№	Эмоционал ҳолатлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Фарқланишлар	
		n ₁ =92		n ₂ =94		t	P
		M	S	M	S		
1	Ўзини ҳис қилиши	18,03	1,3	14,71	1,7	2,12	0,05
2	Фаоллиги	17,01	1,1	14,13	1,3	0,72	-
3	Кайфияти	18,23	1,2	17,51	1,3	0,14	-
4	Таранглик	11,32	1,4	16,62	1,8	2,85	0,01
5	Хавотирланиш	10,36	1,2	11,82	1,3	0,62	-
6	Ўзига ишонч	16,20	0,9	15,03	1,0	0,27	-
7	Қўзғалувчанлик	8,34	1,4	9,67	1,2	0,39	-
8	Ёлғизлик	15,85	3,8	19,32	5,4	0,32	-
9	Депрессия	30,83	2,9	45,48	3,2	2,04	0,05
10	Невротизм	11,17	1,8	19,65	2,6	2,63	0,01
11	Агрессия	10,23	1,1	13,87	1,3	2,14	0,05
12	Фрустрация	7,67	0,9	9,32	1,0	0,35	-


Умуман, иккинчи триместр охирига келиб ҳомиладорларнинг эмоционал ҳолатидаги ўзгаришлар етарлича ижобий даражага кўтарилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Қолаверса, назорат гуруҳи билан қиёсланганда, тажриба гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда ўзини ҳис қилиш даражаси ижобийроқ эканлиги аниқланиб, бунда фарқланишлар ишончлилиги мавжуд ($p < 0,05$). Ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолати психокоррекциясига бағишланган тадқиқот натижалари унинг аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Тажриба ва назорат гуруҳи ўртасида турли ҳолатларнинг ифодаланганлиги бўйича 8 та ишончли фарқланиш аниқланиб, 4 тасининг ишончлилиги 95% даражадан юқорини ташкил қилади. Бунда барча ўзгаришларнинг йўналиши ижобий характер касб этади (6-жадвал). Тажриба гуруҳидаги ҳомиладорларнинг ҳомиладорликнинг турли триместрларида эмоционал ҳолатлар динамикаси 2-расмда кўрсатилган. Ҳомиладорликнинг турли триместрларида аёлларнинг эмоционал ҳолатлари динамикаси учун характерли бўлган тенденциялар аниқланди. Жумладан, ҳомиладорлик кечиши жараёнида ҳомиладор аёлларнинг эмоционал ҳолатлари интеграциялашувининг кучайиши намоён бўлди. Аниқроғи, тажриба гуруҳидаги ҳомиладорлар эмоционал ҳолатларининг баъзилари кучли динамикага эга бўлиб, буларни ўзини ҳис қилиш, таранглик, депрессия, невротизм, агрессия ташкил этади. Баъзилари эса ўртача даражада

